



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 206 (10.009)

2003 ЙИЛ 23 ОКТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ ДУР КУНИ Илгиликлар, воқеалар

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Тошкент шаҳар ҳокимлигида кузги-қишқи мавсумга тайёргарликнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари, туман ҳокимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов бошқарган йиғилишда пойтахтимизда мавсумга тайёргарлик қизгин бораётгани, мавжуд камчиликларни тезда бартараф этиш мақсадида махсус комиссия ишла тургани қайд этилди. Комиссиянинг асосий фаолияти шаҳримиз маҳаллаларидаги уй-жой ширкатларига амалий кўмак беришга қаратилмоқда. Кўп қаватли уйлarning ертўла ва томларини, қозонхона, ташки ва ички иссиқлик тармоқларини таъмирлаш, иситиш қувурларини тозалашга алоҳида эътибор берилмоқда. Тегишли идора ва ташкилот раҳбарларига бу борадаги юмушларни 10 ноябргача якунлаш топширилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

ЎЗА

ҚИШДА

● **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туманида «DESK-INVEST» Ўзбекистон - Австрия қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Еттита ишчи ўрнига эга бўлган мазкур корхона тунука маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

● **ШАҲРИМИЗДА** ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган тадбир суд назорати ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига бағишланди.

● **ЧИЛОНЗОР** туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир «Саводли истеъмолчи — доимо ҳақ» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг шу йил 6 октябрдаги йиғилишида 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилган эди.



Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси билан Матбуот ва ахборот кўмитасининг оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги йиғилиши кун тартибидан ана шу масала ўрин олди.

Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси Ҳ.Хошимов олиб борган йиғилишда Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори талабларини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар ҳамда мазкур сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари кенг муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашиш-

лари, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайловни кенг ёритишлари зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда кейинги йилларда мамлакатимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил илгарилаётганлиги ҳамда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан мазкур сайлов кампаниясининг аҳамияти тобора ошганлиги, шунингдек, бу тадбирнинг Обод маҳалла йилдида ўтиши унга янада катта масъулият билан ёндашишни талаб қилиши алоҳида қайд этилди.

ЎЗА

КЕЧА ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни олдиран ташкилий масалаларга бағишланган кўшма йиғилиш бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

МАҲАЛЛА САЙЛОВГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ваколат мuddати тугаши муносабати билан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш белгиланган. Йиғилишда ушбу жараёнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда сайлов олди тайёргарлик ишларининг пухта ва изчиллик билан олиб борилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Айтиб ўтиш лозим, Олий Мажлис Кенгаши қарорига мувофиқ барча бугундаги ҳокимликларга фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир, хайрли ишларга кўпчилигини етаклашни уқдалай оладиган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раисла-

ри лавозимига номзодлар танлашда кўмаклашиш тавсия этилган.

Албатта, бундай хусусиятлар қаторида оқсоқолликка номзоднинг маълумоти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълум бўлишича, шу кунга қадар ўз ваколатини давом эттираётган оқсоқолларнинг 77 фоизи олий маълумотли бўлса, 9 фоизи — ўрта ва 14 фоизи — ўртамаҳсус маълумотга эгадир.

Шундай экан, ким оқсоқол бўлиши мумкин? Ушбу савол нафақат инсонлар манфаатини ўйлаб яшашдек масъулиятли ишни зиммасига олаётган бўлажак оқсоқолларни, балки биринчи навбатда ўз номзодига катта ишонч билдираётган ҳар бир маҳалла фуқаросининг ҳам таъбирига айланиши даркордир.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида биринчи ўринга ушбу жамият бошқаруви ҳуқуқини олишга муваффақ бўлган энг фаол жамоат ташкилоти чиқади. Бугунги кунда бу ҳуқуққа ўзини ўзи бошқариш органи мақомида маҳалла тўлақонли эришган. Демак, ўз навбатида маҳаллага, унинг фаолларига кўпгина вазифалар берилмоқда. Давлат орган-

лари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши деганда маҳаллани бошқариш масъулиятини ўз зиммасига олаётган ҳар бир оқсоқол унга берилган ваколатларни тўғри татбиқ этиш билан бирга авваламбор уларни инсонлар манфаати, маҳалланинг фаровон истиқболи сари йўналтира олишини онгли равишда тушуниб етиши лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов, шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Сарвар Абдуллаев ва бошқалар бўлажак сайловлар нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлиги, улар демократик ва ошқоралик тарзида бўлиб ўтишида сайловчилар — маҳалла аҳлига юксак масъулият юклатилаётганлигини таъкидлаган ҳолда, шунингдек ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайлов моҳияти ва аҳамиятини тўғри қўламда фуқароларга етказишда оммавий ахборот воситалари ўрни алоҳида муҳимлиги, бу борада махсус руҳлар ташкил қилиш, кўрсатувлар ва чиқишлар тайёрлаш хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

XVI сароси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўмитанинг тўққиз ойлик фаолияти якунлари муҳокама қилинди ва истиқболдаги долзарб вазифалар белгиланди.

● Қорақалпоғистонлик шликкорлар қабул пунктларида 69 минг 250 тонна дан етказиб бериб, мамлакатда биринчи бўлиб йиллик шартнома режани бажардилар.

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси маданият карвонсаройида Япония ҳукуматининг инсонпарварлик ёрдами дастури бўйича грант шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Шўртан сикув-компрессор шохобчасининг халқаро тақдироти ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар шохобчанинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида тугган ўрни ва келажаги хусусида тўхталиб ўтилди.

● Бухоро вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалигига дахлдор идора ва ташкилотлар раҳбарлари, туман ҳокимлари иштирокида пахта йиғим-теримига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● Наманганда «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусидаги кўрик-танловнинг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Унинг иштирокчилари Асосий Қонуни бўйича билим ва тафаккурларини синовдан ўтказишди.

● Бухоро Давлат университети иқтисодий факультети қошида Париж Суд-II университетининг ўқув-педагогик маркази очилди.

Жаҳонда

● Буюк Британия Кураш федерацияси ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказилган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов турнири якунланди. Ҳамюртларимиз мусобақаларни юқори савияда ўтказиб, 4 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалларини кўлга киритишди.

● БМТ Бош ассамблеяси Исроиладан Иордан дарёсининг гарбчи киргоғи бўйлаб ўрнатилаётган хавфсизлик девори қурилишини тўхтатишни талаб қилиб чиқди.

● Жаҳон банки Ироқни тиклашга қаратилган икки мустакил жамғарма тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлашни билдирди.

● Фаластин етакчиси Ёсир Арофатнинг шифокорлари маълум қилишича, яқин кунларда Арофат ўт пучағидаги тошни олиб ташлаш уфж жарроҳлик столига ётқизиши мумкин.

Транспорт

«МУЛОҚОТ»
АЛОҚА ТИЗИМИ

Ер ости қатновининг бир маромда бўлишни таъминлашга эришиш йўлида Тошкент метрополитенида муҳим техник тадбирлар кўрилмоқда. Диспетчерлик хизматини янги техник воситалар билан уйғунлиқда ташкил этиш ҳам ижобий натижаларни бермоқда.

«Мулоқот» алоқа тизимининг йўлга қўйилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Ушбу тизимни бошқариш учун иккита компьютер ва бешта монитор қўрилмаларидан фойдаланилмоқда. Бу эса поезд қатновини назорат қилиш, бўлат излардаги носоз ҳолатлар тўғрисида олдиндан маълумот беришни автоматлаштиришга олиб келди.

Бу каби ижобий ўзгаришлар метронинг сигнализация, алоқа ва информатика хизматини давр талаблари асосида ташкил этиш имконини бермоқда.

ФАХРИЙ
НОМ ЭГАЛАРИ

Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш давр талабидир. «Тошхажарйўловчилар» Давлат уюшмаси шу мақсадда барча имкониятларни ишга солмоқда.

Уюшманинг транспорт хизмати кўрсатиш сифатини мувофиқлаштириш ва назорат бошқармаси фаолияти мисолида бундай ижобий ҳолни кўришимиз мумкин.

Бошқарманинг йўналиш диспетчерлик гуруҳлари ҳам ўз зиммаларига янги мажбурият олиб, ўз хизмат вазифаларини аъло даражада адо этишга эришмоқдалар. Натижада ҳаракат таркибида узатишларга йўл қўйилмаётир.

Темирйўлчилар куни муносабати билан бошқарманинг уч нафар йўл ҳаракати нозими «Тошкент шаҳар йўловчи транспорт фахрий ходими» фахрий ном эгаси бўлишди.

ЙЎЛОВЧИЛАР
ТАЛАБИ
ҚОНДИРИЛДИ

Шу йилнинг ўзиде шахримизда қатор янги транспорт йўналишлари очилди. Айни вақтда амалдаги йўналишлар узайтирилиб, йўловчиларга қулайликлар яратилди.

Аҳолига яхши транспорт хизмати кўрсатилаётган 148-автобус йўналишининг ўзгартирилиши кўпчилики мамнун этди. Эндиликда бу йўналишда қатнаётган автобуслар гвардия полковниги Хўжаев кўчасига борадиган бўлди. 123-автобус йўналишининг ҳаракати Фафур Фулом кўчасидан бошланади, Аҳмад Доғиш кўчаси орқали давом этиб йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

ГЕОЛОГЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Ўзбекистон пойтахтида геологларнинг йирик халқаро анжумани бошланди. Республикамиз Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва Ўзбекистон геологлар миллий қўмитаси шафелигида «Рудали конлар ва геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси раиси Н.Аҳмедов ўз маърузасида геология ва мамлакат минерал-хомашё базасини ривожлантириш муаммоларига тўхталди. Ҳозирги кунга 2900 та кон ва фойдали қазилмаларнинг истиқболли белгилари, 100 га яқин турдаги минерал хомашё аниқланган, шулардан 65 таси саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлатилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш даври натижалари геология фани олдида геология-қидирув ишлари-

ни ўтказишни режалаштириш стратегияси ва тактикаси алоқадор янги муаммоларни қўймоқда. Бу эса жадал ривожланаётган иқтисодийнинг эҳтиёжларини қондириши керак, деб таъкидлади қўмита раиси.

Буюк британиялик геолог олим Реймар Селтман мазкур анжуман аҳамияти ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон улкан минерал-хомашё салоҳиятига эга эканлигини таъкидлади. Республиканинг табиий бойликлари республика иқтисодий-тири ривожлантириш, хорижий шериклар билан ўзаро манfaatли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун давлат томонидан тўғри ва оқилона ишлатилмоқда.

Тўрт кунга мўлжалланган конференция дастури ялпи ва бўлим мажлисларидан иборат. Анжуман доирасида «Рудали конлар генезиси, металлогения, прогнозлаш», «Геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш муаммолари», «Олтиннинг термал доирала-

ри» мавзуларида семинарлар, «Геология, геодинамика, минералогия ва Марказий Осиёнинг трансчегара ҳудудлари ва қатламли тузилмалари геологик муҳити замонавий аҳолини боқолаш» халқаро лойиҳаси бўйича симпозиум ўтказилди.

Шунингдек, Марказий Евроосиё геологик хариталари атласини тузиш ва ундан фойдаланиш бўйича ишларнинг иккинчи босқичини муҳокама этиш мўлжалланган. Бу ишда турли мамлакатлар олим ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Геологларнинг ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Шу боис конференцияда нафақат етакчи олимлар, Геология фанлари халқаро иттифоқига кирувчи ташкилот ва бўлимлар раҳбарлари, балки мамлакатимиз ва чет элнинг йирик компаниялари вакиллари қатнашмоқда. Хаммаси бўлиб анжуманга 16 та давлат вакиллари тўпланган.

Мазкур анжуманинг ўзига хос томони шундаки, геология фанининг турли жиҳатлари, минерал ресурсларни қазиб олиш, ўрганиш ва фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик масалалари муҳокама этиладиган мажлислардан ташқари, далага экскурсиялар ташкил этилади. Даставвал бутун дунёга машҳур Мурунтов олтин қони ва ундан сўнг мис ва олтин қазиб олинган Қалмақир қонига бориш режалаштирилган. Қатнашчилар мамлакатимиз ер ости бойлиқларининг кенг қўлмаллиги ва улардан самарали фойдаланилаётганлигига гувоҳ бўлади. Конференция ўтказилаётган Халқаро бизнес-марказда ташкил этилган кўргазма ҳам уларнинг таассуротларини бойтади. «Ўзэкспомарказ» Ўзбекистоннинг минерал хомашёлари қазиб олиш ва ўзлаштириш соҳасидаги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи хилма-хил материалларни тайёрлади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

ЙИЛ САРҲИСОБИ

Республика Давлат солиқ қўмитасида давлат солиқ қўмитаси идораларининг жорий йилнинг тўққиз ойи ақунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даврида солиқларни йиғиш даражасини янада яхшилаш, пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш, солиққа тортиш объектларини кенг қамраб олиш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш, солиқ қонунчилигига риоя этилиши устида назоратни кучайтириш

мақсадида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди. Шунингдек, Сирдарё вилоятининг Сайхунобод ва Сирдарё туманларида солиқ тушумларининг таркиби ва сифат жиҳатдан янги тўрт солиқ тури бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилмаганлиги муҳокама қилиниб, мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўрилди.

• ҚАРОР ВА ИЖРО

МУАММОЛАР ЕЧИМИГА
БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида Шайхонтохур туман ҳокимлиги ва туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташаббуси билан туманда фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Анжуманда республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга янада қулайликлар яратиш, расмийлаштиришнинг бошқичма-бошқич рўйхатдан ўтказиш тамойилига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида чиқарилган «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарорининг тумандаги ижроси ҳақида гап борди.

Семинар-кенгашда туман ҳудудидаги тижорат банклари, туман солиқ бошқармаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, туманда фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, бошқа бир қанча мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Шавкат Мирзаев сўзга чиқиб, палата томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг

ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш юзасидан олиб борилаётган ишларга тўхталди.

Шунингдек, семинар-кенгашда туман прокурорининг қатта ёрдамчиси Зухра Пиритова, туман қорхоналарни рўйхатга олиш бўлими ходими Саида Жалилова, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси вакиллари кун тартибидеги масалалар юзасидан сўзга чиқиб, юқоридаги қарор ижроси, истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатлари, туман прокуратураси томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, божхона масалаларида юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Анжуман савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Юзага келаётган муаммоларни ечиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва қўллаб бошқа масалалар бўйича тадбир қатнашчилари томонидан ўринли тақлиф ва мулоҳазалар билдирди.

(Ўз мухбиримиз)



Хар бир тадбиркор ва ишбилармон яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, республикаимиз ички бозорини сифатли ва жаҳон андозалари даражасидаги махсулотлари билан бойитишга ҳаракат қилмоқда. Шаҳримиздаги «Муҳобта» хусусий фирмаси ҳам ана шундай қорхоналар сирасидандир.

СУРАТДА: қорхонанинг қўли гул тикувчиси Гулнора Аҳмедова.

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Цемент саноати ва бозор» учинчи халқаро анжумани бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«ЦЕМЕНТ САНОАТИ ВА БОЗОР»

Мазкур анжуман Ўзбекистон ҳукумати Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, транспорт ва алоқа мажмуаси, Давлат Мулки қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси кўмагида ташкил этилди. Тадбир соҳа ходимларига цемент саноатида эришилган ютуқлар билан танишиш ва ўзаро тажриба алмашиш имконини беради. Унда Австрия, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Швейцария, АҚШ ва Япония каби 20дан ортиқ хорижий мамлакатлар, шунингдек ҳамдўстлик давлатлари вакиллари иштирок этди.

— Халқаро анжуман бу йил учинчи бор ўтказилмоқда, — деди Россиянинг «Valey» компанияси директори Евгений Валуков. — 2001 йилнинг октябрида Тошкентда ўтказилган дастлабки учрашув тадбир нуфузини янада оширди. Иккинчи анжуман ўтган йили Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида ўтқа-

зилган. Бу йил эса яна Тошкентда учрашиб турибмиз. Шу пайтга анжуманда уч мингдан ортиқ қурилиш соҳаси вакиллари иштирок этди.

В.Валуковнинг таъкидлашича, «Цемент саноати ва бозор» деб номланган учинчи халқаро анжуманда цемент ишлаб чиқаришда янги технологияларни қўллаш, уни қадоклаш, ташвиш, сертификациялаш масалалари муҳокама қилинади. Иштирокчилар бу ерда ўзларига ҳамкорлар топиш имкониятига эга бўлишди. Ўзбекистоннинг қурилиш материаллари, хусусан цемент саноатида дунё ҳамжамиятининг қизиқиши қатта. Бунинг боиси бор албатта. Ўтган йили Ўзбекистондан ташқарига экспорт қилинган цемент ҳажми 9 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 12 миллион АҚШ долларига етди.

«Туркистон-пресс»

Маълум

МУТАХАССИСЛИКА ПУХТА ЗАМИН

Мамлакатимизда самолёт-созлик sanoatini rivojlantirishning texnikaviy asoslarini yaratish uchun kўp qatlamli mалакали кадрлар тайёрланмоқда. Тошкент самолётсозлик касб-хунар коллежи ҳам бу борада фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Хозир билим даргоҳида «Металлни қайта ишлаш», «Авиация техникаси» каби ўқув гуруҳларида амалиёт машғулоти олиб борилмоқда. Уларнинг ўқув-техникавий негизини янада мустаҳкамлаш йўлида кўрилатган тадбирлар режали асосда амалга оширилмоқда. Компьютер амалиёти хонаси эса «Пентиум-4» русумли «ақл»ли машиналарга эга бўлди.

— Ўқув режимида «Ҳаво кемалари ва авиация двигателлари», «Электрон-ҳисоблаш машиналари оператори» каби билим йўналишлари ҳам киритилди. — дейди коллеж директори Қобул Йўлдошев. — Бизда таҳсил олган ёшларга техника-механика, техника-иқтисоди каби ихтисосликлар бўйича дипломлар берилди.

Ўқув лабораторияларимиз янги техника воситалари ва замонавий аппаратлар билан ҳам жиҳозланмоқда. Бунда ўқув юртининг Осие тараққиёт банки билан ҳамкорлиги кўп келмоқда. Масалан, физика лабораториясини янги жиҳозлар билан бойитиш учун банк бизга 30 миллион сўм миқдорда кредит ажратадиган бўлди. Бундан ташқари шу яқин орада металл кесувчи дастгоҳлардан 28 тасини сотиб оламиз. Бу жараён ҳам банк кредити орқали амалга оширилди.

Коллежнинг ўқув устaxonалари ҳам амалиёт машғулотларини олиб бориш учун мустаҳкам техник негизга эга. Бу эса бўлажак мутахассисларга пухта билим, ишлаб чиқариш кўникмаси беришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

ШАҲАР МАКТАБЛАРИГА — АУДИО КЎЛЛАНМАЛАР

Юртимизда фаолият юритаётган «Росзарубежцентр» ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-11-синф ўқувчиларини рус адабиёти билан яқиндан таништириш, уларнинг дарсликларга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида рус адабиёти бўйича тўлиқ аудио кўлланмаларини яратиш мақсадига тарқатмоқда.

— Ушбу йўналишдаги фаолиятни яна бир неча ой давом эттираемиз. Хозирча пойтахтнинг 63 та мактабини шундай аудио кўлланмалар билан таъминладик. Эндиги ишимиз кўлланмаларни вилоят мактаблари ҳам етказиш, — дейди «Росзарубежцентр» ваколатхонаси бошлиғи Сергей Жилкин.

Аудио кўлланма умумий ўрта таълим дастуридаги барча рус мумтоз адабиёти намунадаларининг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи 52 та аудио кассета-лардан иборат. Овозли мажмуа бир ярим йил давомида тайёрланиб, унга театр артистлари овоз беришди. Дастурни яратиш жараёнида рус ва ўзбек мактабларининг ўқув дастурлари солиштирилиб, имкон қадар юқори даражали кўлланмани яратиш учун изланишлар олиб борилди.

Шунингдек, аудио кўлланмалар кутубхоналарга, жумладан, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонага ҳам етказилди.

Шахло ХОШИМОВА

«Оқшом» — 2004 йилда

Кейинги пайтларда «Оқшом» газеталари ҳаётида бир қатор янгиликлар содир бўлди. Хусусан, газетанинг ўн мингинчи сони нашрдан чиқди. «Тошкент оқшоми» кутубхонаси» рукнида донишманд-мутафаккирларнинг бебаҳо фикрлари жамланган «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» китоби чоп этилиб, китобхоналар кўлига етиб борди. Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб эълон қилинган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз!» танлови доирасида газеталар саҳифаларидан сермазмун ва таҳлилий мақолалар ўрин олди ва танлов голиблари тақдирланди. 2003 йил обунасини ташкил қилишда алоҳида хизмат кўрсатган Тошкент Почтамтининг 84-алоқа бўлими ходимлари Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳомийлигида рангли телевизор билан мукофотланди.

Айни кунларда республикамиздаги даврий газета ва журналлар қаторида «Оқшом» газеталарига ҳам обуна кизгин давом этмоқда. Шу муносабат билан туманларда газетхонлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди. «Тошкент оқшоми» кўп йиллик анъаналарига содиқ қолган ҳолда таҳририятда ўзининг биринчи давра сўхбатини бир гуруҳ заҳматқаш муаллифлари, олимлар, шоир ва ёзувчилар билан ташкил этди. Куйида давра қатнашчилари томонидан билдирилган тақлиф-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим:

«Оқшом» газеталарининг яхши бир томони шундаки, у фақат расмий ахборотларни бериб қолмай, ишдан кейин ўқиб хордиқ чиқарадиган рангбаранг ўқимишли мақолалари билан эътиборлидир. Фикримча, келгусида газетада яна ҳам кўпроқ газетхонни ўзига жалб қиладиган, кўзга ташланиб турадиган мақолаларни ёритиш керак. Газета албатта одамларга ахборот бериши керак, лекин истардимки, жойларга бориб фақат ижобий томонларнигина эмас, балки муаммо ва камчиликларни ҳам очиб ёзиш керак. Қаердаки ҳаётий, ўткир гап бўлса, шу гап газетанинг ози. Шунингдек турли халқларнинг урф-одатлари, қизиқ воқеалардан бериб борилса ва шу билан бирга адабиёт ва санъатга кенг ўрин ажратилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Истардимки, ҳафтада бир марта бўлса ҳам юмор саҳифаси берилса, кулгили хангомалар, ҳажвиялар, латифалар ҳамда ҳикоя ва ривоятлар, шеърлар ёритиб турилса, газета ўз мухлисларини ҳеч қачон йўқотмайди.

Пўлат МҮМИН, Ўзбекистон халқ шоири:

«Тошкент оқшоми» мен учун кўп йиллардан буён сеvimли ва қадрдон газета. Газетага кўп йиллардан бери қатнашиб келаман. Унда мунтазам ёритиб бориладиган «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» рукни остидаги донишмандлар ўғитларини ҳеч қолдирмай ўқиб бораман. Шуни ҳам айтиш керак, газета болаларни ҳам унутмайди. Газета саҳифаларида кейинги йилларда «Болалар адабиёти бурчаги» рукни остида болалар учун шеърлар, ҳикоя ва қатрлар бериб борилаётгани қувонарлидир. Бундан ташқари газетада «Саломатлик—туман бойлик», «Маънавият—ақл чироғи», «Маҳалланг—ота-онанг», «Шаҳрим — фаҳрим», «Инсон ва қонун» сингари бир қатор саҳифаларнинг мунтазам ёритиб борилаётгани оқшомхонлар эътиборини яна ҳам ўзига жалб қилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш керак, газетанинг ижодий жамоаси доимо янгилик излаб топади, янги ташаббуслар билан чиқади. Бунга мисол — таҳририят томонидан илк қалдирғоч сифатида «Тошкент оқшоми» кутубхонаси» рукни остида «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» номли китобчани чоп этилганидир. Менимча бу рисола халқ таълими тизимлари ва маҳаллалар орқали ёшларга тарқатилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Зиёд ЕСЕНБОВ, фаҳрий журналист:

«Тошкент оқшоми» газеталарига жуда ҳурмат қиламан ва таҳририятга тез-тез келиб тураман. Газета бора-сидаги ўз фикрларимни айтиб бораман. Газетанинг яхши томонга ўзгариб бораётгани кўриниб турибди. Менинг тақлифим, газетани ўқув-

чига бепардоз кўрсатиш керак эмас. Шунинг учун аввало газетанинг кўриниши чиройли бўлсин. Рукн, сарлавҳаларни жой-жойига қўйиш, макети, тузилишига катта эътибор қаратиш керак. Бундан ташқари халқнинг ичига кириб бориш, муаммо ва камчиликлар ечимига алоҳида эътибор қаратиш керак. Шаҳримизнинг барча туманларида газетанинг жамоатчи мухбирлари бўлса ёмон бўлмасди.

рим ҳам ўқишади. Баъзи бирлари ўз фикр-мулоҳазаларини айтишади. Умуман, газета жуда оммалашиб кетди. «Тошкент оқшоми» газетасининг ўзига хос фазилати бор. Яъни, одоб-ахлоққа катта эътибор қаратилади. Миллий, илмий қадриятларимиз, маънавий меросимиз хусусидаги мақолалар доимо бериб борилади. Айниқса одоб-ахлоққа доир мақолалар, ҳикояларнинг аҳамияти жуда катта. Шуни ҳамма ўқийди. Аввал одоб, сўнг иш, меҳнат. Ана шу маънода «Оқшом» жамоаси одоб-ахлоқ мавзусини такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Буни тан олиш керак. Албатта келгусида қилинадиган ишлар кўп, ечимини кутаётган масалалар ҳам бисёр. Шуни айтмоқчиманки, газетада тарихий шахслар, алломаларимизнинг фаолиятлари ҳақида ҳам бериб борилса, кўнгилдагидек бўларди. На-

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР



Давра сўхбатини

Рихситилла АКРОМОВ, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» ҳамғармаси раиси:

Давра сўхбатига иштирок этаётган устозлар, маънавиятимиз даргаларининг катта ҳаётий тажрибалари бор. Газета саҳифаларида ўз материалларингиз билан қатнашиб, маслаҳатингизни бериб турсангиз менимча «Оқшом» яна ҳам ўқимишли газетага айланади. Мана бугунги кунда газета яна ҳам гўзаллашяпти. Янги-янги рукнлар пайдо бўляпти, ташкилий ишлар амалга ошяпти. Шунингдек обуна кизгин давом этмоқда. Истардимки, шаҳримизнинг ҳар бир фуқароси бу газетага обуна бўлиши керак албатта. «Тошкент оқшоми» халқнинг юрагидан жой оладиган газетага айланishi керак.

МИРМУХСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

Менинг фикримча, газетада фақат шаҳримиз ҳақида эмас, жуда катта жаҳоний воқеаларни ҳам кўпроқ бериб бориш керак. Катта-катта фикрларни кўтариб чиқиш лозим. Баъзи газеталарда номлар нотўғри ёзилади, «Оқшом» мана шу нарсага эътибор берса яхши бўларди. Яна бир тақлифим, истардимки, «Тошкент оқшоми» газетасида ёритиладиган баъзи яхши мақолалар рус тилига ҳам таржима қилиб берилса, нур устига нур бўлар эди. Чунки шаҳримиздаги русийзабон халқларнинг кўпчилиги бизнинг ажойиб тарихимиз, алломаларимиз ижодига қизиқшади. Шу билан бирга таниқли шоирларимизнинг шеърларидан ва бошқа қизиқ ҳикоя, ҳажвиялардан таржима қилиб берилса, айни муддао бўларди.

Ҳамид ЗИЁЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор:

«Тошкент оқшоми» газетасининг ашаддий мухлисларидан бириман. Мен олган газетани ҳатто қўшни-

даги ўтмишдаги, хозирги олимларимиз, заҳматқашларимиз ҳақида ҳам мақолалар бериб борилса, менимча бу ёшларга ибратли сабоқ бўларди, деб ўйлайман. Бундан ташқари маҳаллалар ва кўп қаватли уйлардаги камчилик, нуқсонлар, муаммолар тўғрисида ёзиш керак. Газета халқнинг дарди билан яшаши зарур.

Аҳмад АЛИЕВ, адабиётшунос олим:

Газета ҳақида албатта кўп яхши фикрлар айтилди. Уларга кўшимча қиладиган бўлсам, мен ҳам кўпдан буён унинг саҳифаларида тарихий мавзудаги мақолаларим билан қатнашиб келяпман. Газетанинг кундан кунга савияси ошиб бораётганидан хурсандман. Хозирги кунда обуна кетаётган бир вақтда таниш-билишларга албатта шу газетага обуна бўлишларини маслаҳат берардим. Газетани ўқиган киши ундан маънавий озиқ олади. Газетанинг янада қизиқарли чиқиши учун барчамиз масъул бўлишимиз керак деб ўйлайман.

Шунингдек, давра сўхбатига иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Рустам Курбонов, Фарида Абдурахимова ва бошқалар сўзга чиқиб, келгусида газетанинг янада мазмунли ва ўқимишли чиқишини таъминлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда тақлифларини баён қилдилар. Давра сўхбатига билдирилган барча тақлиф-мулоҳазалар таҳририят томонидан эътиборга олинади, бундан буён газета саҳифалари яна ҳам ранг-баранг мавзудаги қизиқарли, долзарб мақолалар билан албатта бойитиб борилади.

Давра сўхбатини
Дилором ИКРОМОВА
ёзиб олди.

Автобусда кетаётганимизда икки аёлнинг суҳбати беихтиёр кулоғимизга чалинди.

— Фарзандингизни ишга жойлаш учун меҳнат бўлимига, Маъсуда опанинг ёнларига олиб бораверинг, албатта ёрдам берадилар. Ўзингиз ҳам керакли маслаҳат олиб қайтасиз

— Жуда яхши маслаҳат бердингиз, албатта бўрмиз, раҳмат сизга, ўртоқжон.



• МУСОҲАБА

ҲАМКОРЛИҚДА ГАП КЎП...

Шу суҳбат баҳона бўлдию Шайхонтохур туман меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими раҳбари Маъсуда Каримова билан учрашиб, бўлим томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Туманимизда 48 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 260.700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллаларга 16 нафар инспектор бириктирганимиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз ишининг жонқурлари бўлиб, зиммаларидаги вазифаларини сидқидилдан бажарадилар. Жорий йилда инспекторларимиз ўз маҳаллаларида мониторинглар ўтказиб, 9 ой мобайнида 1608 нафар иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олдилар.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида меҳнат бўлимининг ишга жойлаштириш шўбаси томонидан 1344 нафар фуқаро турли ишларга жойлаштирилди. Шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ишчиларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга эса 270 нафар фуқаро юборилди.

Туманда шу йилнинг сентябрь ойигача бўлган маълумотларга кўра 4249 та катта, ўрта ва кичик корхоналар, ташкилотлар фаолият юритмоқда. Уларда жами 531 та бўш иш жойлари мавжуд бўлиб, бундан ташқари ўтган ойда 260 та, йил бошидан буён эса 2272 та янги иш ўринлари ташкил этилган. Ўтган ойда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ туманда ишсиз деб эътироф этилганлар 447 нафар фуқарони ташкил этди ва улардан 129 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Барча ишлар бўлимининг режасига асосан олиб борилади. Шунга кўра йил бошидан буён меҳнат бўлими томонидан 5 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Охириги — ўтган ҳафтада ўтказилган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» ярмаркасида 275 нафар фуқаро қатнашди. Улар-



дан 41 нафарига ишга, 20 нафар фуқароларга эса ўқув марказига йўланмалар берилди.

Мазкур меҳнат ярмаркасида 20 га яқин катта, кичик корхона ва ташкилотлар қатнашди. Жумладан, тумандаги «Супертекстил» Ўзбекистон-Корея кўшма корхонаси, «Туронмарказуриллиш» акционерлик жамияти, 159-қурилиш трести, «Чорсу» савдо маркази каби корхона ва ташкилотлардан вакиллар ташриф буюрдилар. Шунингдек, ярмаркада 214 нафар фуқароларга маслаҳатлар берилди. Улардан 81 нафарини ёшлар ташкил этди. Тадбирни ўтказишда маҳаллалар инспекторларидан Феруза Ўлмасова, Манзура Абдуллаева, Клара Саидова ҳамда Эркин Иноғомовлар айниқса, жонбозлик кўрсатдилар.

Обод маҳалла йилида тумандаги «Эшонгузар», «Гулбод», «Янгибод», «Исломобод», «Сархумдон», Сузук-ота, «Тинчлик», «Янги Камолон» маҳаллаларининг оқсоқоллари, Насиба Исаева, Гузал Исмоилова, Марғуба Тўлаганова, Нафиса Фоишова каби тажрибали маҳалла инспекторлари ҳамжиҳат қўллаб-қувватлашди ва ҳамкорликда самарали иш олиб бормоқдалар.

Муқаддас Умарбекова
СУРАТЛАРДА: Шайхонтохур туман меҳнат бўлими фаолиятдан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда тадбиркор ва ишбилармонларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу сабабли ҳам йилдан йилга уларнинг сафи кенгаймоқда. Эътиборли томони, бугунги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий ўқув юр்தларининг битирувчилари ҳам меҳнат бозорини тўлдирувчи асосий куч ҳисобланади.

Шиддаткор асримизда йигит-қизларимиз касб-хунар ўрганишга, янгиликка интилишлари, доимо изланишда бўлишлари қувонарли хол, албатта. Мен Ҳамза туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида рўйхатдан ўтганман. Кичик ҳада бир неча турдаги мақорон маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Корхонада асосан ёш, миллий кадрлар замонавий техноло-

гияларни ҳариб келмалар. Ҳатто керак вақтда дастгоҳни созлаш-таъмирлаш ишларини ҳам ёшларимизнинг ўзлари удраламоқдалар. Эътиборли томони, Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга яна ҳам қулайликлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан

ўтказиш тамойилига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида яқинда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорнинг амалда ижроси сифатида туман ҳокимликлари қошида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ташкил этилганлиги бўлди.

Негаки, юртимизда янги кичик ва ўрта бизнес корхоналари иш юритишни бошлаш, меҳнат бозорига ҳам ишчи кучига талаб шунча ортади, янги иш ўринлари яратилади, ёшларимизга ҳам меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилади.

Баҳодир АЗИЗОВ,
хусусий корхона раҳбари.

Ишга марҳамат

• ЁШЛАР— КЕЛАЖАГИМИЗ

МААКААИ МУТАХАССИСААР
ЎТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Мустақиллигимиз шарофати билан келажагимиз ворислари бўлган ёшларга муҳим эътибор қаратилиб, уларнинг касб-хунар эгаллашлари, ҳаётда ўз ўринларига эга бўлишлари учун давлатимиз томонидан қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда. Мировод санат касб-хунар коллежи ҳам мавжуд шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда малакали ёш кадрларни етиштириб бермоқда.

Мазкур таълим маскани 1999 йилда коллеж макomini олди. «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига ҳаётга татбиқ қила бориб, коллежининг 80 нафарга яқин, (шунлардан биттаси фан доктори, 5 нафари фан номзоди, кўплаб олий тоифали ўқитувчи-муаллимлар) аҳил жамоаси ўз олдиларига қўйилган вазифаларини удралаш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

— Таълим масканимизда саккизта йўналиш бўйича ёшларга билим берилади, — дейди коллеж директори техника фанлари номзоди, тажрибали олим Комил Пулатов. — Яъни ЭЖМ ва компьютер тармоқларини ўрнатувчи, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳуқуқий ва маъмурий фаолияти, ҳуқуқ ва ҳужжат фаолияти каби факультетларда ўқувчиларга замонавий билим берилмоқда. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби, умумқурилиш ишлари, тикувчилик ишлаб чиқариши ҳамда бошланғич синфларда ҳисомий тарбия факультетларида ҳам ёшларимиз малакали сабоқ олмақдалар.

Бугунги кунда коллежда 58 та гуруҳда 1530 нафар ўқувчилар ўз мута-

хассисликлари бўйича таълим олмақда. Бундан ташқари улар амалий машғулотлар ҳам ўтайдилар. Бунинг учун коллеж базасида ҳамма етарли шарт-шароитлар яратилган. Мутахассислик ҳамда фан хоналари, каттагина кутубхона, амалий машғулотлар хоналари, устахоналар, спорт зали, «Маънавият ва маърифат» хоналари ўқувчилар ихтиёрида.


Таълим масканидаги энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган компьютер ва лингвафон хоналари ёшларнинг севимли машғулот жойларидан ҳисобланади. Таҳсил олаётган ўқувчилар орасида иқтидорлилари ҳам анчагина. Мисол учун ўтган 2002 йилда 11 та фанлар бўйича, жорий йилда эса 15 та фанлар бўйича 15 нафар ўқувчилар фан олимпиадаларида қатнашиб, 2-, 3-ўринларга сазовор бўлдилар.

Аҳамиятлиси шундаки, таълим масканида ҳозирги кунда 8 та спорт тўғраги самарали фаолият юритмоқда. Кураш, армреслинг, мини футбол, шахмат, волейбол, баскетбол, стол тенниси, ҳалқ миллий ўйинлари ҳамда энгил атлетика тўғрақларида кўплаб коллеж йигит-қизлари ўз саломатли-

гини мустаҳкамламоқда. Ҳамкорликда гап кўп. Коллеж маъмурияти шаҳримиздаги кўплаб илм даргоҳлари, ишлаб чиқариш корхоналари билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйганлар, яъни улар билан узоқ муддатли шартномалар тузилган. Масалан, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети педагог-ўқитувчилари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Дарслиқлар, дарс бериш методикаси, таълим жараёнидаги ислохотлар юзасидан ўзaro тажрибалар алмашиш масалаларида мутахассислар ҳамкорлик қиладилар.

Бундай ўзаро алоқалар «Тошқилоқ» корхонаси, 4-, 159-қурилиш трестлари, Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси, шаҳар Маиший хизмат бирлашмаси, Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармалари билан ҳам йўлга қўйилган. Эътиборли томони, уларнинг кўпчилигида коллеж ўқувчилари амалиёт ўтайдилар ҳамда битирувчилар иш ўринлари билан таъминланадилар. Мировод туман Меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан уюштирилган меҳнат ярмаркаларида коллеждан вакиллар мунтазам қатнашадилар ҳамда битирувчиларга меҳнат бозоридан ўз мутахассисликларига қараб муносиб иш топишга кўмаклашдилар.

Бир сўз билан айтганда, коллежда ҳаёт қизгин. Келажагимиз умидлари бўлган ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллашлари йўлида керакли шарт-шароитлар яратилмоқда.
Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Мировод санат касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.
Алишер Ҳамидов олган суратлар.



Касбим — фахрим
КЎВОНЧ БАХШ ЭТАДИ

— Ҳаёт жуда қизик экан. Баъзан ҳаёлингга ҳам келтирмаган ишлар юз беради. Менда ҳам шундай бўлди. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ким бўлмоқчисан, дейишса, архитектор бўламан дердим. Мактабни битиргач эса ён кўшимиз билан у кўп йиллардан буён меҳнат қиладиган заводга бордим-у чилангар-пай-вандчилик касбига жуда қизикиб қолдим...

Ота-онам билан маслаҳатлашиб, Собир Раҳимов касб-хунар коллежга ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомладим. Бу орада коллежда касбим бўйича ўтган амалиётларимдан ташқари «Реле ва автоматика» заводи очик турдаги акционерлик жамиятига ҳам таътиларимда бориб, иш ўргандим. Ҳозирги кунда бу ерда ўз ишининг усталари бўлиш малакали мутахассислар билан елкама-елка меҳнат қиляман. Ҳамкасбаримдан нафақат касбимнинг сир-асрорларини, балки уларнинг ҳаёт тажрибаларидан ҳам ўрганаётман. Аҳамиятли томони, мен ҳам оиламиз бюджетига озми-кўлими ҳиссамни қўшяман. Худо хоҳласа, ўз соҳам бўйича олий ўқув юртига кириб ўқимоқчиман. Танлаган касбим, жонажон меҳнат жамоамни жуда яхши кўраман.

Кўпгина мактабдошларим, тендошларим ҳозиргача на ўқиш, на бирор ишга бўйинлари ёр берай беҳуда вақт ўтказиб юрганларидан ачинаман. Негадир бугуннинг баъзи ёшлари ойликка ишлашни ўзларига эп кўрмайдилар. Касб-хунари бўлмаса ҳам хар кун қўлига пул тушади-ган, даромади бор ишларининг тани оладилар. Менимча, машаққатсиз, захмат чекмай бирор хунари ёки касбни мукамал эгаллаб бўлмайди.

Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Уни эъзозлаган инсонгина юксакликка эришади, жамоасида обрў-эътибор топади ҳамда элга танилади.
Санжар УМАРОВ

Сўраш,
жавоб берамиз

ТУНГИ СМЕНАДА
КИМЛАР ИШЛАШИ
МУМКИН?

Амалдаги қонунга биноан қандай тоифадаги ходимларнинг тунги сменадаги ишларга жалб этиш чегараланади?

Шердор Исмаилов, Раим Исаев,
Акмал Икромов тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 245-моддасига биноан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга жалб этиш тақиқланади. Бундан ташқари, бу мезор талаб бестисно бўлиб, ўсмир йигитга ёки қизнинг тунги сменада ишлашига эмас, балки унинг иш вақти ақалли бир қисмининг тунги вақтининг бирон бир пайтига тўғри келиб қолишининг ўзи ҳам қонун талабининг бузилиши деб ҳисобланади. Шу сабабли ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга иш вақтининг қандай тартиби белгиланган бўлмасин, у шундай ҳисоб билан тузилиши керакки, бунда ўсмир учун иш кунининг туғаш пайти кеч соат 22 дан кечикмайди, ибтидои эса эрталаб соат 6 дан олдин бошланмайди бўлиши шарт.

ПЕНСИЯ ПУЛИ
ТЎЛИК
БЕРИЛАДИМИ?

Ўқитувчи бўлиб ишлаб, ёшга доир пенсияга чиққанман. Лекин мутахассис етишмаслиги сабабли яна ўз иш жойимга чакиртиришди. Айтнингчи, ишга борсам, пенсиянинг тўлиги оламанми?

Олима Хўжаева,
Шайхонтохур тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги «Ишловчи пенсияонерларга тўланадиган пенсиялар тўғрисида»ги Фармонига асосан 1996 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишловчи қўидаги пенсияонерларга пенсиялари 100 фоиз миқдорда тўланиши белгиланган:

— II жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга) I, II гуруҳ ногиронларига ва Чернобиль ҳалокати оқибатида азий чеккан шахсларга;

— II жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки мамлакат ичкирасида ишлаганларга;

— фуқаролар йигинлари ва маҳаллаларнинг пенсиядаги раисларига;

— ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячиларга, кутубхоначилар сифатида иши давом эттираётган ва пенсияга чиқиб олдида мазкур мутахассисликлар бўйича камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлган аёллар ҳам 100 фоиз пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Қолган ишловчи пенсияонерларга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

• БАНДЛИК

ИШГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларини битирган ёшларимизнинг иш билан таъминланиши бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Айни пайтда битирувчиларнинг ўз соҳалари бўйича иш ўринларига эга бўлишлари жуда муҳим, албатта. Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида бугунги кунда шаҳримиздаги барча туман меҳнат бўлимларида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай амалий тадбирлардан бири Мировод тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркасидир. Бундай меҳнат ярмаркалари туманда 2 ойда бир марта ўтказилиб, унда фуқаролар бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар бўйича йўланмалар олишади.

Тумандаги меҳнат ярмаркаси асосан 2002-2003 йилларда ўқув муассасаларини битирган, банд бўлмаган ёшлар учун ўтказилди.

Ушбу меҳнат ярмаркасида 600 нафарга яқин ёшлар иштирок этишиб, 180 нафари уларнинг қизиқтирган соҳалар бўйича ишга йўланмалар олишди. Ярмаркада «Қизил тонг» акционерлик жамияти, «Узэлектраппарат», «Фотон» очик акционерлик жамиятлари, Заминбанк, «Темирйўл ресторани» масъулияти чекланган корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари билан қатнашди.

— Тумандаги Ойбек маҳалласи ҳудудида 60-, 94-мактаблар жойлашган, — дейди маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Зухра Назарова. — Биз ҳар йили битирувчиларни рўйхатга олиб, уларнинг қанчаси иш билан банд эмаслигини кузатиб берамиз ҳамда шу асосда ёшларни бўш иш ўринларига жойлаштиришга ҳаракат қиламиз. Қўриб турганимиздек, бундай меҳнат ярмаркаларини бизнинг ишимизга катта ёрдам беради ва ёшларимизга ҳам фойдаланиди.

Ҳақиқатан ҳам меҳнат ярмаркасида юқорида айтганимиздек, ўрта махсус ўқув юр்தларини битирган кўплаб ёшларимиз иш билан таъминланди. Бу ҳақда улардан бир нечаси билан суҳбатлашдик.

— Мен Ҳикмат Пулатовман, ёшим 17 да. Хайдовчиликка қизиқаман. Ярмаркада «Темир йўл ресторани» масъулияти чекланган жамиятга хайдовчиликка ишга йўланма беришди. Қизикқан соҳамда ишлашимдан жуда мамнунман.

— Мен Дилноза Юсуповаман. Ёшим 19 да. Ўз соҳам бўйича тумандаги 14 — Халқ банкига бухгалтерликка ишга йўланма олдим. Меҳнат ярмаркасига келиб хато қилмаган эканман.

Ушбу меҳнат ярмаркасида иштирок этиб ишга йўланма олган кўпчилик йигит-қизларимиз келгусида ўз касбларининг моҳир усталари, етук мутахассислар бўлиб етишиб ҳалқимиз қорига ярайдилар, деган умиддамиз.

Орузул РУСТАМОВА

Ушбу тадбирда Тошкент, Навоий, Самарқанд ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидан келган турли мулк шаклидаги корхоналарнинг вакиллари иштирок этишди.

Семинарнинг мақсади кадрлар масаласи билан шуғулланувчи раҳбарларни меҳнат қонунчилиги соҳасидаги ўзгаришлар билан таништириш, ишга жойлаштириш, ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан бахс-масалаларни тушунтиришдан иборат, деди МЧЖ директори Елена Илёсова «Туркистон-пресс» мухбирига. —Шу боис тадбирга гуманитар ва меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислар таклиф этилди.

БМТ ТД маслаҳатчиси Динора Азимова инсон ривожини концепцияси тўғрисида гапириб, у жамият турмушини ўлчаш ва яхшилашда бир дастак сифатида қаралиши кераклигини таъкидлади.

«2003 йил инсон ривожини тўғрисидаги глобал маъруза»да БМТнинг стратегик мақсадлари баён қилинган, дея сўзида давом этди Д. Азимова.

— Булар қашшоқликка, саводсизликка қарши курашиш, ичимлик суви билан таъминлаш, тендер тенгуриги масалаларидир. Шу муносабат билан мамлакатимиз жамоатчилигининг диққат-эътиборини аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган тоифалари дуч

— Булар қашшоқликка, саводсизликка қарши курашиш, ичимлик суви билан таъминлаш, тендер тенгуриги масалаларидир. Шу муносабат билан мамлакатимиз жамоатчилигининг диққат-эътиборини аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган тоифалари дуч

МЕҲНАТ ТАРТИБИ

Тошкентда «Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги инсон ривожланиши муаммолари спектрида» мавзусида семинар ўтказилди. Семинар БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ривожланиш учун кўмаклашиш» дастурини қўллаб қувватлашда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва «Markaziy Osiyo Sarguzacht Tur» МЧЖ томонидан ўтказилди.

келаятган муаммоларга қаратиш, буларни бартараф этиш учун кўмаклашадиган халқаро ва миллий

дастурларга киритиш лозим.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги давлат ҳуқуқ назорати бошлиғи Абдусалом Рискунлаев иштирокчиларни меҳнат шартномасини тўхтатиш, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, ишчилар ва иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги, меҳнат таътиларини бериш тартиблари билан таништирди. Энг кескин масалалардан бири бошқа ҳудудларда рўйхатда турган одамларни ишга қабул қилишининг мураккаблиги деб айтди.

Бу орада бошқа ҳудудларга рўйхатдан ўтган фуқароларни Тошкент шаҳрига ишга қабул қилишни таъқиқлайдиган Президентининг 1999 йил 26 февралдаги «Паспорт тизими тўғрисидаги қондалар» Фармонига амал қилиш лозим, — дея сўзида давом этди. Бундан ташқари, вазирликка Тошкент шаҳар ИИББ бошқармасидан 2002 йил 10 июнда юборилган хатига кўра, бошқа шаҳарлардан келувчилар ишга қабул қилинмади.

«Туркистон-пресс»

ҲИНД «ФИЛЬМ БОЗОРИ»ДА ЎЗБЕК КИНОСИ

Дехли шаҳрида 34-Ҳиндистон халқаро фильм фестивали бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ҳиндистон ахборот ва радиозашиттиришлар вазирлиги ҳамда Фильм санъати уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

1952 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиладиган халқаро кино анжуманида дунёнинг кўплаб мамлакатлари продюсерлари ва актёрлари, соҳа мутасаддилари ҳамда кино танқидчилари иштирок этишди. Улар қаторида Ўзбекистон Теле-радиокомпанияси ва Тошкентда фаолият кўрсатаётган "Cinema Market" жамияти ижодкорларидан иборат мамлакатимиз вакиллари ҳам бор эди.

"Фильм бозори" растасининг Ўзбекистонга ажратилган бўлими кино мутахассислари ва муҳлислари билан айниқса гавжум бўлди. Хусусан, Халқаро анжуманининг тантанали очилиш маросимига ташриф буюрган Ҳиндистон Ахборот ва радиозашиттириш вазир Равишанкар Прасад мамлакатимиз вакиллари билан кизгин мулоқот ўтказди. Прасад жаноблари ҳинд ва ўзбек халқлари маданияти ва санъатининг муштарак жиҳатларига тўхталиб, икки мамлакат ўртасида кино соҳасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам самарали ривожланишига умид билдирди.

- Бу ерда мамлакатимизга нисбатан қизиқиши, Ўзбекистон вакилларига бўлган илиқ ва самимий муносабатни кўриб бошим осмонга етгандек бўлди, - дейди "Cinema Market" масъулияти чекланган жамият ижроия директори А. Умаров. - Фильм фестивали давомида қатор маҳаллий журналистларнинг бизнинг тақдиримизга алоҳида эътибор қаратгани бундан шаҳодат беради.

Кино анжумани доирасидаги мулоқотлар Ҳиндистон телевидениесининг "Star", "Zee TV", "Metro" каналлари орқали намойиш этилди, "The Tribune", "The Sunday Express" сингари нуфузли газеталари саҳифаларида кенг ёритилди.

Фестиваль давомида Ўзбекистон вакилларининг "Fros International", "Madho Entertainment" ва "Narendra Higawat" компаниялар билан бўлиб ўтган музокаралари натижасида фильмлар харид қилиш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Шухрат УМИРОВ
"Жаҳон" АА муҳбири,
Дехли

Асосий Қонунимизни ўрганишимиз

Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаро ўзини қизиқтирган масала юзасидан ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг мазкур ҳуқуқлари Конституцияда сиёсий ҳуқуқлар жумласига киритилган бўлиб, у алоҳида қонун билан ҳам тартибга солинади. 1994 йил 6 майда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» қонун қабул қилинди ва у айтиш мумкинки, фуқароларни давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулк шаклидан қатъи назар, қорхона, муассаса, ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қоидаларни, уни кўриб чиқишнинг тартиби ва мuddатларини белгилаб берди. Ислохотлар қадам-бақадам амалга оширила бориб, 2002 йилнинг 13 декабрида қонунга бир талай ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқланди.

Ҳўш, ариза, таклиф ва шикоят деганда ҳуқуқий томондан нимани тушуниш керак? Улар қай тартибда амалга оширилса, қонуний бўлади?

Ариза, таклиф ва шикоят фуқароларнинг давлат органларига мурожаатларининг турли шакллари бўлиб, ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, эркинликларини рўйбага чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир. Масалан, ишга, ўқишга кириш, меҳнат таътилига чиқиш, хорижга чиқишда паспортимизга хорижга чиқиш визасини очиб беришлик каби мурожаатлар ариза шаклида расмийлаштирилади. Таклиф — фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир. 1997 йилдаёқ Юрбошимиз: «Жамиятда демократия қай даражада эканини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнида қанчалик ҳабадорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир», — дея таъкидлаб ўтган эдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Шундан бўлса керак, Конституциянинг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», дейилади. Ҳа, фуқаро давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир ўз тавсияларини таклиф шаклида ўз депутати орқали ёки қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳомаасида бевосита қатнашуви орқали амалга ошириши мумкин. Шикоят — фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаат шаклидир. Масалан, ўз ҳаёти ёки соғлиғига етказилган моддий, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги, мол-мулкни бўлиш, мерос тақсимлаш, алимент ундириш ҳақидаги талаблар.

Давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқидан барча фуқаролар, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлма-

ган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Шуни айтиш керакки, фуқаронинг мурожаати бошқа шахсларнинг жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ҳам, ёзма ҳам бўлиши мумкин. Муҳими, улар қандай шаклда бўлмасин, қонун томонидан бир хил аҳамиятга эга. Шунингдек, яқна тартибда ҳам (масалан, телефон ўрнатиш ҳақидаги), жамоа тартибда ҳам (масалан, маҳалла кўчаларига канализация тармоқлари ўтказиш ҳақидаги) бўлиши мумкин.

Мурожаатларга қўйиладиган талаблар қандай?

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Ёзма мурожаатларда мурожаат қилувчининг

вақтида рўйбага чиқариш, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш мuddати белгиланиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик мuddат ичида тегишли органга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади.

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган мuddат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик мuddат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган мuddат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайди-ган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда кўриб чиқилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси).

имзоси бўлиши лозим. Шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахсининг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади. Мурожаатда фуқаронинг фамилияси, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган бўлса, улар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш ташкил этилади. Қабул раҳбар ёки мансабдор шахс томонидан белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун кулай вақтда амалга оширилади. Қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади (бунга барча давлат идораларида кўзгингиз тушган). Фуқаронинг қабул қилиш рад этилиши мумкин, агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асосиз, қонунга хилоф хусусиятда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса. Айни вақтда фуқаро унинг мурожаатини қабул қилган ва кўриб чиқиш асосиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибидея юқори турувчи органга ёки судга шикоят беришга ҳақли.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш: тартиби, мuddатлари ва оқибатлари.

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибидея юқори турувчи органга бериллади. Уни бериш учун мuddат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз

ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш мuddати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тарикасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Мурожаат кўриб чиқилмаётганда фуқаро бу ҳақда ахборот олиш, натижа билан танишиш, бу йўлда адвокат хизматидан ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Шуни қайд этиш керакки, фуқароларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбага чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганликлари учун таъқиб қилиш ман этилади. Айни вақтда фуқаронинг аризаси ёки шикояти қаноатлантирилган тақдирда ана шу мурожаат бўйича қонунга хилоф қарор қабул қилган давлат органи ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш муносабати билан фуқарога етказилган зарарнинг ўрнини, тегишли давлат органининг талаби билан ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун жойларга бориш муносабати билан сарф қилинган харажатларни қоплайди ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақини тўлайди. Фуқарога етказилган маънавий зиён ҳам суд тартибидея қилган компенсация қилиниши мумкин.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЮЛДАШЕВА,
ҳуқуқшунослар.

ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Тошкентдаги "Шератон" меҳмонхонасида БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA)нинг "Уларнинг сони бир миллиард: Ўсимрлар саломатлиги ва ҳуқуқини инвестициялаш" мавзудаги маърузаси тақдироти ўтказилди.

— Дунё аҳолисининг ярмини 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади, — деди БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Насим Тумкая "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Бу ёш авлод бўйича инсоният тарихидаги қатта кўрсаткич ҳисобланади. Мазкур маърузада ҳам дунё аҳолишунослигининг жорий йилдаги муаммолари, яъни, ёш авлоднинг жисмоний, ҳиссий ва руҳий соғломлиги таҳлил қилинади. Бугунги кунда кўпгина

ёшларнинг эрта турмуш қураётганини кўрамоқдамиз. Бу ўз навбатида турли оғир оқибатларга олиб келаётир. ОИТС билан касалланаётганларнинг кўпчилиги 15 ёшдан 24 ёшгача бўлганларга тўғри келмоқда. Шунингдек, маърузада ёшларнинг репродуктив соғлом ҳаёт кечириши ва дунёнинг гуллаб-яшнашида ўз хиссаларини қўшишлари тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг 6 миллионга яқин

фуқароларини ёшлар ташкил қилади. Ёшлардаги тиббий билимларнинг чекланганлиги уларда турли юқумли касалликларга чалиниш, гавандлик ва зўравонликка мойиллик уйғотади. Афсуски, ўсимр-ёшлар бундай оқибатлар тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга эмас. БМТ Аҳолишунослик жамғармаси Ўзбекистонга репродуктив саломатлик борасида ўз кўмагини бермоқда.



Кузининг зарҳал япроқлари замин узра сочлмоқда. Қадамнинг қултуғ бўлсин олтин куз!

"Туркистон-пресс"

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб домо бўлди...

● Эй ўғил, хунарсиз, дангаса ва ишбўқмас кишилар билан улфатчилик қилма, уларнинг таъсири сенга ҳам уради, дангасаларнинг доимий фикри ўйи ишламасдан катта ейиш, яхши кийинишдир. Улар беҳуда сўзлашни, вақтини хуш ўтказишни, танани семиртиришни ўйлайдилар. Семиз кишининг эса дил кўзи бекилган бўлади, доимо ором топишни ўйлайди, кўп еб семиршни ўйловчи кишиларни донолар "Хайвон табиати кишилар", дейдилар.

● Эй биродар, хунараманд киши ҳеч қачон хор бўлмайди, оғир кунларда хунар туфайли ўз ризқ-рўзини топиб ейди.

Аристотель шундай ёзди: "Иззат тиласанг ифбатли бўл, улуглик тиласанг мулойим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, наҳот тиласанг сабр қил, илм ва хунар ўрганмоқчи бўлсанг жидду-жаҳд қил!".

● Киши кийим билан гўзал эмас, балки хунари билан гўзалдир. Эшакка атласу гилам ёлганлари билан барибир эшаклигича қолади. Агар ялтираб ёнувчи гавҳар ифлосликка тушса ҳам барибир нафисдир. Агар ит ғулмога тушса ҳам барибир ифлосу ҳабисдир.

Афлотун ўз шоғирди Аристотелга қилган насихатларидан:

— Эй шоғирд, доимо илм талабда бўл, бир кунга етдиган овқатинг бўлса, шунга қаноат қил, икки кунлик жамғаришининг пайида бўлма, бировнинг илми озми кўпми деб, қасддан синашга ҳаракат қилма. Ҳар кунни ўзингдан: "Тўғри иш қилдимми ёки хато қилдимми? Бугун нима яхшилиқ қилдим, нима фойда топдим?" — деб сўра. Ҳеч кимга озор берма, чунки кимсга берилган озор албатта оғасига қайтувчидир. Бировнинг ҳожатини ўзинг билиб раво қил! Ғазабланишни одат қилма, киши ғазабланган сари ғазаб ундан ғолиб келиб доимо ғазабланишга мажбур қилади.

● Яхши хислат ҳаҳонда олий мансаб ва юксак даражага етказувчидир. Аммо бундан етиштиш воситаси илм ва одоб бойлигидир. Байт:

Илм саодатга йўлловчи машаъл,
Жоҳиллик ўлимга бошлар ҳар маҳал.

● Илм кишиларни улугвор қилар,
Одамдан кетмайди то ўлмагунча,

Олтин кумуш билан керилма зинҳор,
Бу иззат олтин кумуш тургунча.

● Илм асосига қурилмаган улугликнинг охири хорликдир.
● Бузуржмехрдан сўрадилар:
— Дунёда инсон учун топилмайдиган нарса нима?
У деди:

— Ақл ва илм.
— Яна сўрадилар:
— Илмнинг қадри нима? У деди:

— Инсонда ақл ва илм бўлмаса, уни ҳеч ким қадрламайди.
Байт:

Илм дарёсининг гавҳари — ақл,
Оз бўлса ҳам ундан кўп фойда етар.

● Илм — биз яшайдиган дунёнинг мутлоқ қимматли бойлиги. Ўқимок зарур, билмоқ зарур. Билиб бўлмайдиган нарса йўқ. Биз билиб олинмаган нарсалар хусусидagina гап юритишмиз мумкин.

● Биланларимизнинг чеки бор, билолмаган нарсаларимизнинг эса ҳаж-чегараси йўқ.
Байт:

Илмдан бир шўъла дилга тушган он,
Шунда билурсанким илм бепоён.

14-20 октябрь кунлари Тожикистон пойтахти — Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган V Марказий Осиё ўйинлари қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлади.

Мусобақалар минтақа спортчиларига келгуси йили Афинада ўтказиладиган Олимпиада олдидан жиддий маҳорат кўриги бўлди, дейиш мумкин.

Ўйинлар давомида вакиллари-миз ҳар доимгидек, Марказий Осиёда тенгсиз терма жамоалардан эканини исботлади. Дзюдо бўйича ўтказилган финал мусобақаларида ҳамюртимиз Ҳ.Саломов 100 килограмм вазн тоифасида медаллар биринчи олтинни илди.

Халқаро спорт турига айланиб улгурган курашда ҳам юртимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этди. Р.Бобомуродов (73 кг.), Ш.Муродов (100 кг.) барча рақибларини орта қолдириб, ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Шунингдек, Д.Чориев, Л.Қобилов ва Т.Ўтаев мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди.

Айниқса, боксчиларимиз имконияти ва салоҳияти муҳлис ва мутахассисларга жуда маъқул келди. Жами ўн бир чарм кўлқоп устасидан етти нафари ишончли ўйин намойиш этиб, олтин медални бўлди. 91 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Олимпиада ўйинлари совриндори С.Михайловнинг ярим финал ҳамда финал босқичида рақибларини муддатидан олдин доғда қолдириши Марказий Осиё ўйинларида шов-шув кўтарди. Боксчимиз мусобақанинг ишончли спортчиси деган кўбончи ҳам кўлга киритди. Б.Султонов, Б.Хидриев, Д.Маҳмуродов, Ш.Абдурахмонов, И.Бердиев, Р.Саидов каби жаҳон ва қитъа чемпионлари ҳам терма жамоамизнинг олтин медал ҳо-



100 килограмм вазн тоифасида медаллар шодасига дасини бойитди. Боксчиларимиз жами ўн битта — 7 олтин, 1 кумуш ва 3 бронза медалини



юқори тайёргарликка эга эканини намойиш этди. Унда Д.Орипов, Б.Қурбонов, Е.Файлов, Ж.Турдиев каби тажрибали спортчиларимиз мусобақанинг юқори поғонасини эгаллади.

Енгил атлетикачиларимиздан Г.Хуббиева, С.Қот, А.Журавлева, Р.Ҳусниддин, О.Жолаева бир неча медални кўлга киритди. Ушбу спорт тури бўйича ишти-

рок этган вакиллари-миз умумҳисобда терма жамоамизга энг кўп медал — 12 олтин, 17 кумуш, 6 бронза тақдим этди.

Эркин курашчиларимизнинг барчаси шохсупанинг юқори поғоналаридан жой олди. Жумладан, О.Очилов, Д.Мансуров, М.Ибрагимов олтин медалга эгаллик қилган бўлса, П.Ўразметов ва М.Гаджилаев кумуш, А.Улаҳунов бронза медални кўлга киритди.

Хуллас, навбатдаги Марказий Осиё ўйинлари тарих зарварларидан жой олди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббус билан ташкил этилган мазкур ўйинлар минтақамиз аҳлини бир маслак — тинчлик ва ҳамкорлик йўлида бирлаштирувчи муҳим восита бўлиб ҳизмат қилаверади.

Беҳбуд БОТИРОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ
Тошкент-Душанбе-Тошкент.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ - ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА спортчиларимиз «кичик Олимпиада»нинг 99 медалига эга бўлди

қўлга киритди.

Юртимизда теннис бўйича нуфузли чемпионат ҳамда турнирларнинг ўтказиб келинаётгани спортчиларимиз маҳоратини оширишда ўзига хос мактаб вази-фасини ўтамоқда. Минтақа ўйинларида эркаклар ўртасида кечган баҳсларда ҳамюртимиз М.Иноятов олтин, С.Икромов эса бронза медалга соҳиби бўлди. Қизиги шундаки, спортчиларимиз бошқа давлат вакилларига ўйинда имкон қолдирмади. Аёллар ўртасида ўтказилган финал баҳси ҳамюртларимиз О.Омонмуродова ва И.Исроилова иштирокида ўтди ва унда О.Омонмуродова галабага эришди. Мазкур жуфтлик, шунингдек, V Марказий Осиё ўйинларининг ғолибасига ҳам айланди. М.Иноятов ва С.Икромов жуфтлиги эса кумуш медалга соҳиби бўлди. Юнон-рум курашида ҳам вакиллари-миз

Хотира Ҳайонга ғўзалдир
ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШИ

Салима Аскаророва етакчи микробиолог олима, истеъдодли фан ташкилотчиси, юқори малакали илмий-педагогик кадрларни етиштирган моҳир тарбиячи сифатида Ўзбекистон фани тарихидан муносиб ўрин олган. Унинг илмий фаолияти 1945 йилда бошланган — Санкт Петербург (собиқ Ленинград) шаҳридаги Амалий зоология ва фитопатология бўйича олий курсларни муваффақиятли битириб, қишлоқ ҳўжалиги микробиологияси мутахассислиги бўйича пахтачилик илмий-тадқиқот институти бирлашмаси аспирантурасига кирди. Аспирантурада ўқий йиллари Москва шаҳрида, Микробиология институтида таниқли микробиолог, ФА мухбир аъзоси Н.Красильников раҳбарлигида ўтади. 1953 йилда ёш олима номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади.

Салима Аскаророва пахтачилик илмий-тадқиқот институти бирлашмасининг ғўза ва ўсимликлар касалликлари лабораториясининг муддир, кейинчалик эса Ўзбекистон Топали экинлар тажриба станциясининг директори этиб тайинланди. 1961 йил февралдан 1964 йил октябргача Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти директори, 1964 йил октябрдан эса қишлоқ ҳўжалиги вазирынинг фан бўйича ўринбосари вази-фасида ишлади.

Олима университет ва республиканинг бошқа олий ўқув ўр-тирларининг кўплаб битирувчиларини Москва, Санкт-Петербург, Киевнинг етакчи илмий марказларида аспирантурага ўқиш учун юборган. Унинг ташаббуси билан аспирантларга мамлакатнинг йирик микробиологлари раҳбарлик қилган. Фанлар академиясида муастақил институти макомига ва 8 та илмий лабораторияга эга бўлган Микробиология бўлимининг очилиши Ўзбекистонда микробиологияни ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. У ерда 200 дан ортиқ хизматчилар меҳнат қилди. Ўзбекистонда микробиология фанининг қарор топиши ва ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган Салима Аскаророва мазкур бўлимининг ташкилотчиси ва биринчи раҳбари эди. Ўзбекистон Фанлар академияси тарихида биринчи бор янги ташкил этилган институтининг раҳбари аёл киши бўлди. Айнан мана шу даврда микробиология тарққ таснифий тадқиқотлар олиб боришдан мақсадга бўйсундирилган фундаментал муаммоларни ечишга ўтди. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари за-

раркундандалари ва касалликларига қарши курашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Республикада микроорганизмларнинг физиологияси ва биохимияси бўйича Илмий кенгаш ташкил этилди, унинг биринчи раҳбари этиб ҳам Салима Аскаророва тайинланди. Шу билан бир вақтда у Фанлар академиясидаги бошқа муаммолар кенгашлар аъзоси ҳам эди. ВАСХНИЛ қошида ўсимликларни ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этди.

Олима Ўзбекистон микробиология жамиятининг биринчи президенти бўлди, бу эса ҳамкорлик ва аспирантларга раҳбарлик қилишга мамлакатнинг йирик микробиологларини жалб бўлиб имконини берди. Микроорганизмлар физиологияси ва биохимиясини чуқур ўрганиш ва уни халқ ҳўжалигида қўллаш истиқболлари Салима Аскаророва раҳбарлигида лойиҳа вази-фасини тайёрлаш, микробиопрепаратлар тажриба қурилима биносини қуриш ва уни зарур ускуналар билан жиҳозлашга ёрдам берди. Аҳамиятли томони шундаки, бундай ишлар республика учун оғир шaroитда, яъни кучли ер силқинишдан кейин, мамлакатда биринчи навбатда ўй-жой қурилиши кетаётган бир пайтда олиб борилди. Тажриба қурилмаси Ўзбекистонда микробиология биотехнология асосларини яратди ва ривожланиш истиқболларини очди.

Унинг илмий-тадқиқот ишлари актиномицетлар — антибиотиклар ва бошқа биологик фаол бирикмаларни ишлаб чиқарувчи организмларнинг ҳаёт фаолиятини ўрганиш, Ўзбекистоннинг турли тупрок

зоналарида актиномицетларнинг эколого-географик тарқалиши қонунчаларини аниқлаш, уларнинг ғўзанинг бактерияли ва замбуругли касалликларини келтирувчи фитопатоген микроорганизмлар билан ўзаро таъсирини ўрганиши баъқишланган. Салима Аскаророва бошқа кимёгарлар билан ҳамкорликда суперфосфатни микроэлементлар билан бойитишнинг самарали воситасини ва кимматбоҳ кобальтнинг унинг ўқашини анча арзон бўлган никель билан алмаштириши тақлиф қилди.

Олиманинг кўп сонли тадқиқотлари 100 дан ортиқ илмий ишларда, жумладан, учта монографияда, илмий-оммабоп рисолаларда жамланган. Салима Аскаророва-нинг бе-восита раҳбарлигида 2 та докторлик ва 10 та номзодлик ишлари ёқланди. Унинг раҳбарлигида бўлмаган, аммо бундай ажойиб олиманинг тарбиясини олган шоғирлар эса сон-саноксиздир. Уларнинг ҳар бири учун бу жонқур аёл ўзининг ғайрати ва вақтини ҳеч қачон аямаган.

Ўзбекистонда микробиология фанини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Салима Аскароровага "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони берилди, шунингдек у кўплаб давлат мукофотлари ва Фахрий йилқлар билан тақдирланган. Фанимиз истиқболли йўлида бор билими ва меҳнатини аямаган заҳматқош олима Салима Аскаророва хотираси ҳамisha мангу яшайди.

Санобар ХОЖИБОЕВА,
биология фанлари доктори.

ДИССЕРТАЦИЯЛАР УЧУН ҚўЛЛАНМА

Тошкентда «Диссертация ва авторефератларни расмийлаштириш бўйича меъёрий материаллар» деб номланган рисола босмадан чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси томонидан тайёрланган мазкур янги нашр аспирантлар, илмий даража олиш йўлида изланаётган тадқиқотчилар учун яхши қўлланма бўлди.

— Ундан ишхиссослашган илмий кенгашлар бошқарувчилари, уларнинг илмий қотиблари, расмий тақризчилар ҳам фойдаланишлари мумкин, — деди қўлланма тузувчиси Карим Султонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Рисолада диссертация ва авторефератлар олдига қўйилбадиган асосий талаблар ҳам баён қилинган. Шунингдек, библиографика тасвирлаш тартиби намуналари ҳам келтирилган.

Ушбу рисоланинг чоп этилиши Олий аттестация комиссиясининг илмий ишлар самарадорлигини ошириш борасида амалга ошираётган ишларининг бири деса бўлади. «Диссертация ва авторефератларни расмийлаштириш бўйича меъёрий материаллар» қўлланмаси кўп нусхада чоп этилиб жой-лағат тарқатилди.
«Туркистон-пресс»

Спорт

МУҲИМ УЧ ОЧКО

КЕЧА ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 28-тур беллашуви «Трактор» жамоасига муҳим уч очкони ҳада қилди. Эътиборли жиҳати шундаки, сафарда «Гулистон» жамоаси билан куч синашган пойтахтлик футболчиларнинг рақибларини йирик 4:0 ҳисобида енга олишларини ҳеч ким кутмаган эди. Уюшқоқлик билан ҳаракат қилиб, тезкор ҳужумлари билан муҳлисларини хушнуд этган «Трактор» жамоасидан голларни рақиблар дарвозасига Ибрагимов (2 та), Бозоров, Соломинлар йўллашди.

Колган учрашуларда куйидаги натижалар қайд этилди. «Дўстлик» — «Насаф» 2:4, «Пахтакор» — «Бухоро» 1:0, «Сурхон» — «Андижон» 0:1, «Цементчи» — «Кўкон - 1912» 4:2, «Металлург» — «Нефчи» 3:1, «Кизилқум» — «Навбахор» 0:2, «Машъал» — «Самарқанд - Динамо» 2:0.

Навбатдаги 29-тур учрашулари 27 октябрь кuni бўлиб ўтади.

КУРАШГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Нукус шаҳрида спорт мутаассидлари иштирокида уюштирилган йиғилиш «Талаба» спорт уюшмаси ҳузурда кураш федерациясини ташкил этишга бағишланди. Бундан кўзланган мақсад талабалар орасида миллий курашга бўлган қизиқишни кучайтириш, курашни ривожлантириш мақсадида олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, турли хил мусобақалар уюштиришдир. Ушбу йиғилишда қатнашчилар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси савдо вазири Бахтиёр Кўчқоров кураш федерациясининг президенти, Бухоро Давлат университети кураш кафедрасининг мудири Абдулла Отаев вице-президенти этиб тайинланди.

ДЕНИС ТКАЧЁВ — ГОЛИБ

Пойтахтимизда Ўзбекистоннинг биринчи велоспортчиларидан бири, машъум қатагон йиллари қурбони Хидоят Иноятлов хотирасига бағишланган турнир ташкиллаштирилди. Ушбу турнирда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятдан ташриф буюрган 84 нафар велоспортчи голиблик учун кураш олиб борди. Муросасиз ўтган мусобақа якунида маррага Денис Ткачёв биринчи бўлиб етиб келди. Денисдан маълум сонияларгагина ортда қолган Алексей Смирнов иккинчи, Николай Казакбаев учинчи ўрин билан кифояланишди. Турнир якунида голиб ва соvrиндорларга эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Тошкент шаҳар ҳўжалик суди жамоаси шаҳар ҳўжалик суди судьяси Шуҳрат Самимович Ҳўжаназаровнинг падари бузурқвори

Саим ота ҲўЖАНАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳўқимлиги

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09

Ҳўжми — 2 босма табоқ об'ект усулида ёзилди. 3663 нусxada босилди. Қўриқ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақамли босма рўйхатга олинади

Нашриёт етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент поштамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мўмкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоса акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Кўрғазмалар

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Юртимиз қадимий тарихий ёдгорликлари, такрорланмас меъморчилик асарлари билан жаҳонга маълум ва машҳурдир. Ўлкамиз ҳамиша дилларни мафтун этувчи ажойиб ёдгорликлари билан дунё нигоҳида туради. Ғўзалиги, бежиримлиги, ғоят мустаҳкамлиги билан асрлар оша яшаб келаётган, кишиларни ҳайратга солаётган бу осори-атиқалар халқ истеъдоди ижодкорлигининг нодир намуналаридир.

Ўзбекистон Республикасида тарихи 2500 йилдан ортқ бўлган 4000 та меъморий ёдгорликлар мавжуд. Жаҳон ҳамжамиятининг тан олишича, қадимда Буюк Ипак Йўли ўтган мамлакатимиз худудининг туристик салоҳияти жаҳон цивилизацияси хазинаси ичига киради. Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Шаҳрисабз меъморий ёдгорликлари «Жаҳон мероси» рўйхатига киритилган ва улар ЮНЕСКО томонидан муҳофаза этилади.

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда «Ўзэкспомарказ» савдо-кўрғазмалар марказида «ТИҒ-2003» — «Туризм ва саёҳатлар» IX Тошкент Халқаро туристик ярмаркаси ўтмоқда. Бу галги ярмаркада жаҳон туризм соҳасининг 8 мингга яқин мутахассиси қатнашмоқда. Улар сайёҳлик ташкилотлари, миллий туристик компания, туристик ва марказ ва уюшмалар, транспорт компаниялари, туроператор ва турагентликлар, сугурта компаниялари ва банклар, халқаро компания вакиллари ва журналистлардан иборат. Лойиҳани — ITE Group PLS Халқаро кўрғазма компанияси (Буюк Британия) ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори — ITESA — Osiyo компаниялари ташкиллаштирмоқдалар.

«ТИҒ-2003» кўрғазмасига «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва Бутунжаҳон Туризм ташкилоти расмий кўмак кўрсатмоқда.

«Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси, техник ёрдам «Svitalers», «TNT», «Аэродизайн» компаниялари томонидан кўрсатилмоқда. Нуфузли кўрғазма-ярмаркада жаҳоннинг 15 та мамлакатидан 45 та компания иштирок этмоқда. Улар орасида Beldersay Chorvak Соғломлаштириш мажмуалари бош дирекцияси, British Airways, Бухоротурист, «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси, Dolores Tour компанияси, «Grand Mir» меҳмонхонаси, «Intercontinental Tashkent» меҳмонхонаси, «Takoma» кўшма корхонаси, «Le Meridien Tashkent Palace» меҳмонхонаси, «Пойтахт», «Radisson SAS Tashkent», «Шодлик» меҳмонхоналари, «Кипр» туристик ташкилоти, Дубай Сайёҳлик ва Тижорат маркетинги департаменти, Миср Туризм бошқармаси ва бошқалар бор.

Шуни айтиш керакки, замонавий туризм жаҳон иқтисодиётининг энг катта даромад келтирувчи ва тез ривожланаётган соҳаси ҳисобланади. Туризм улуши жаҳон ялли маҳсулотининг 10 фоизини ташкил этади. Туризмнинг ўсиш кўрсаткичи йилига 4-5 фоизни ташкил




қилади ва Бутунжаҳон Туристик ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра яқин 10 йил ичида бу кўрсаткичлар сақланиб қолади.

«ТИҒ-2003» Тошкент халқаро ярмаркасини ҳар йили ўтказишдан мақсад ҳам ички, ҳам ташқи сайёҳлик ривожланишини барқарор тутиш, Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари учун чет эл билан алоқа ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш шароитларини яратиб бериш ва ўзаро тажриба алмашишдан иборат. Сайёҳлик ярмаркаси Ўзбекистон обрў-эътиборини халқаро саҳнада мустаҳкамлайди, туристик маҳсулотларни тарғиб этади, мамлакатимизга сарможа жалб қилади.

Бинобарин, Тошкент Халқаро кўрғазма-ярмаркаси доирасида ҳам кўпжаб ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик шартномалари имзоланмоқда.

Раҳматхон АҚМАЛОВ
СУРАТЛАРДА: «ТИҒ-2003» халқаро ярмарка-кўрғазмасидан лавҳалар
Муаллиф олган суратлар



Табассум

Айниддин ака ўглини уйлантирадиган бўлди. Тўй кuni белгиланган, машҳур сурнайчи Аҳмаддон аканинг уйига борди. Эшикни устоз санъаткорнинг ўзи очди.

— Ун бешинчи декабрь кuni ўғлимнинг никоҳ тўйи, шунга хизматингизни аямасангиз, деб келдим.

— Келин фарзанд кутлў бўлсин. Шу кuni албатта гуруҳимиз билан хизматингизда бўламиз.

— Раҳмат.
— Тўйни нега киш фаслида қилаяпсиз?
— Уста, қор ёғиб, совуқ тушиб қолса қўйналиб қоламиз деманг, сиз кирган хонада албатта «печка» бўлади.


Айниддин ака ўз ижодхонасида қадрдон дўсти, улфати ва аскиядаги «рақиб» Қодирхон Усмонов билан сўхбатлашиб ўтирган вақтда телефон жиринглаб қолди. Ғўшани Қодирхон ака кўтарди.

— Алло эшитман, Фозилжонмисиз? Айниддин акани сўраяпсизми?.. Айниддин ака нариги хонада бетоб бўлиб ётибди. Агар бизни ташлаб, «кешиб қолман» бўлса, ҳозир чақираман.

У ғўшани бир оз фурсат кўзида ушлаб туриб, кейин Айниддин акага узатди.
— Фозилжон, яхшимсиз?.. Нега кечикдингиз дейсизми?.. Қодирхонни кузатиб келгунимча вақт ўтди-да биродар.

Ғўшадан Фозилжон аканинг кулгиси эшитилди:

— Уйларингизга совчилар қатнаепти деб эшитдим бунақада икковингизни ҳам «бериб кўямиз» шекилли.



Сўзсиз сурат

Абдурасул Ҳакимов чизган расм

ТИҒЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Со- бир Раҳимов туманидаги 5-сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унга қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.